

3-12-2019

## IMPLEMENTATION OF PROJECT MANAGEMENT SYSTEMS: CONDITIONS FOR IMPLEMENTATION IN THE DESCRIPTION AND INNOVATIVE ECONOMY

Z.M Isakova

UZINFOCOM LLC, Candidate of philological sciences Uzbekistan, 100011, Tashkent, Navoi street, 28,  
zeboisakova@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Isakova, Z.M (2019) "IMPLEMENTATION OF PROJECT MANAGEMENT SYSTEMS: CONDITIONS FOR IMPLEMENTATION IN THE DESCRIPTION AND INNOVATIVE ECONOMY," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 3 , Article 12.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## IMPLEMENTATION OF PROJECT MANAGEMENT SYSTEMS: CONDITIONS FOR IMPLEMENTATION IN THE DESCRIPTION AND INNOVATIVE ECONOMY

Isakova Zebo Murodovna<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Project manager of UZINFOCOM LLC, Candidate of philological sciences  
Uzbekistan, 100011, Tashkent, Navoi street, 28  
E-mail: [zeboisakova@gmail.com](mailto:zeboisakova@gmail.com)

**Abstract:** The article analyzes the main approaches to the definition of the concept and essence of project management. Based on the results of the identified research strategy, specific features of project management and innovative economy are considered.

**Keywords:** project, project management, management systems, project management standards, resources, organization strategy, investment.

### ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ: ТАВСИФИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

Исақова Зебо Муродовна,  
“UZINFOCOM” МЧЖ лойиҳалар менежери, филология фанлари номзоди  
Ўзбекистон, 100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28  
E-mail: [zeboisakova@gmail.com](mailto:zeboisakova@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада лойиҳа бошқаруви тушунчаси ва моҳиятини очиб беришга йўналтирилган асосий ёндашувлар таҳлил қилинган. Лойиҳа бошқаруви ва инновацион иқтисодиётнинг ўзига хос белгилари аниқланган тадқиқот стратегияси натижаларига биноан очиб берилган.

**Калит сўзлар:** лойиҳа, лойиҳа бошқаруви, бошқарув тизимлари, лойиҳа бошқаруви стандартлари, ресурслар, ташкилот стратегияси, инвестиция.

#### Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил этиш орқали шуни кузатиш мумкинки, иқтисодий ривожланишнинг юксак динамиклиги шароитида бошқарув тизимининг самарали ташкил этилиши муҳим ўстунликка эга. Мазкур давлатлардаги ўзига хос иқтисодий шарт-шароитларга мослаштирилган халқаро менежмент тизимлари ташқи ва ички муҳитда юз бераётган ўзгаришларга жуда тез мослашиш ҳамда фаолиятнинг мақсадли кўрсаткичларига, шу билан бир қаторда, сифат соҳаси (ISO 9001); экология (ISO 14001); гигиена ва саломатлик хавфсизлиги (OHSAS 18001); озиқ-овқат хавфсизлиги (ISO 22000), ахборот хавфсизлиги (ISO 27001); энергияни тежаш (ISO 50001); тадқиқот ва инновациялар (R&D&I); тиббиёт маҳсулотлари хавфсизлиги (ISO 13485) ва бошқаларга эришиш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Лойиҳаларни бошқариш – бошқарув фаолияти тизимининг бир қисми ҳисобланади. Унинг воситасида лойиҳадаги ишлар ҳажми, ресурслар (маблағ, меҳнат, материаллар, энергия, муҳит ва бошқалар), вақт, сифат ва хавф-хатарлар ўртасида мутаносибликни сақлаган ҳолда лойиҳанинг аниқ мақсадлари белгиланади ва уларга эришилади. Лойиҳа – чекланган вақт ва ресурслар шароитида маҳсулот (товар, иш, хизмат) яратишга қаратилган, ўзаро боғланган ёки алоҳида олинган

тадбирлар мажмуаси экан, айнан мана шундай тадбирлар бошқаруви алоҳида ташкилот, корхона, шунингдек, бутун ижтимоий-иқтисодий тизимлар доирасидаги мақсадли ўзгаришларнинг амалга ошишини таъминлайди, негаки, у янги маҳсулот ва хизматларни вужудга келтирувчи кучли восита ҳисобланиб, маъжозий маънода, муваффақиятли ихтироларнинг ўзига хос универсал калити сифатида намоён бўлади. Замонавий лойиҳа бошқарувининг бундай хусусияти касбий фаолиятнинг мазкур турига универсаллик бағишлайди. Лойиҳа бошқаруви фақатгина лойиҳалар билан чекланмайди, у лойиҳанинг аниқ тавсифига эга бўлмаган ҳар қандай объектларни бошқаришга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Жамият учун фойдали бўлган мақсадли фаолиятнинг 40% турли лойиҳалар ва дастурлар орқали амалга оширилади [2,3]. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 28 декабрида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ушбу йўналишнинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда қуйидаги фикрларни билдирди: «Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, юртимизни равнақ топтириш бўйича янги-янги ютуқлар, билим ва тажрибалар даври бўлиб қолмоқда» [1].

Лойиҳа бошқарувининг услубий воситалари ривожланган давлатлар ишлаб чиқаришининг ҳар қандай тармоғи жараёнларида, фаолиятнинг операцион турларида, давлат бошқарувида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ўзининг инкор этиб бўлмайдиган афзалликлари туфайли бу мультифункционал ёндашув бизнес, давлат ва жамият бошқарувида кенг қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, лойиҳа бошқаруви тизимли характерга эга бўлиб, ўзи қўлланаётган барча соҳаларда сезиларли натижаларга эришиш учун хизмат қилмоқда. Унинг, айниқса, мамлакатнинг инновацион ривожланишидаги аҳамияти беқиёсдир.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бугунги кунда инновацион ривожланиш назариясида баҳс-мунозара давом этмоқда ва иқтисодий циклнинг қайси фазасида инновацион фаолиятни амалга ошириш, уларнинг радикалик даражасини (бошланғич, яхшиловчи ва ёлғон инновациялар) ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ўзлаштириш учун қулай шароит яратилишига оид турли нуқтаи назарлар мавжуд. Илмий адабиётларда қайд этилишича [4,5,6], мазкур масалага икки хил ёндашув мавжуд ва бундай қарашлар, аксарият ҳолларда, рус иқтисодчиси Н. Кондратьев томонидан ишлаб чиқилган, давомийлиги 40 йилдан 60 йилгача бўлган Узун тўлқин теориясига асосланган. Биринчи ёндашувдаги тадқиқотларга кўра, янги лойиҳалар, одатда, иқтисодий пасайиш юз берганида амалга оширилади. Қулай иқтисодий шароитларда эса бундай лойиҳаларни жорий этишга эҳтиёж йўқ. Бундай қарашлар намоёндаси Г. Менш иқтисодий цикллардан бири бўлган ва ишлаб чиқаришда кўтарилишнинг йўқлиги, маҳсулот ва хизматларга паст эҳтиёж, ишсизлик билан тавсифланадиган депрессия ҳақида бирон нарсани ишга тушириш ёки очиш учун хизмат қиладиган мослама (depression trigger) сифатида ва технологик туртки (technology push) ҳақидаги гипотезаларини илгари сурди. Унинг фикрича, корхона ҳолатининг ёмонлашиши инновациялар учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади, чунки уларнинг жорий этилиши корхона//ташкilotнинг инқироз (кризис) ҳолатидан чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилади [7]. Мазкур нуқтаи назарга кўра, узун тўлқиннинг рецессия (ишлаб чиқариш ёки иқтисодий ўсишнинг нисбатан кучсиз, кескин бўлмаган тарзда тушиши ёки секинлашиши) фазасида янги киритмаларнинг дастлабки кластерини ҳосил қилади. Г. Меншнинг бир қатор тахминлари кейинчалик аниқлаштирилиб, бундай қарашнинг бошқа вакиллари томонидан ривожлантирилди. Хусусан, А. Кляйнкнехт фикрича, янги маҳсулотлар кластери депрессия фазасида

вужудга келади, янги жараёнлар кластери эса узун тўлқиннинг ўсиш босқичида пайдо бўлади [8].

К. Фримен, Дж. Кларк, Л. Сутэ намояндалари бўлган иккинчи нуқтаи назарга биноан, инновацияларни жорий этишда кўтарилиш фазасига мос иқтисодий шарт-шароит зарур. Айнан шу вақтда, улар фикрича, корхоналар инновацияларни кўпроқ киритишга мойил бўлади. Инқироз (кризис) пайтида корхоналар молиявий ва бошқа қийинчиликларни бошидан кечиради. Бу эса ўз навбатида инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қийинлаштиради. Хусусан, К. Фрименнинг эҳтиёж босими (demand pull) ҳақидаги гипотезасига кўра, янгиликларнинг дастлабки кластерларини ҳосил қилишда асосий вазифани янги узун тўлқиннинг асоси бўлган тез ўсаётган тармоқлар томонидан уларга бўлган эҳтиёж бажаради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишга олиб келади. Ўсиш фазасида корхона/ташкilotларнинг, аксарият, инновация ва псевдоинновацияларни (мавжуд омилларнинг, шу билан бирга, сезиларли даражада эскирган маҳсулот, техника ва технологиялар турларини қисман яхшиланиши) яхшилашга қаратилган инновацион фаоллиги ортади. Рецессия даврида инновацион фаолият учун сарф-харажат камаяди. Корхона//ташкilotларнинг инновацион фаоллиги инвестициялар учун хавф-хатар (риск) даражаси ошиши натижасида юзага келган депрессия даврида ҳам тушади [9].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, билимлар, инновациялар, янги ғоялар, тизимлар ва технологияларга хайрихоҳлик билан ёндашиш ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида уларни амалиётга татбиқ этишга тайёрликка асосланган жамият иқтисодиёти – инновацион иқтисод саналади. Етакчи ғарб мамлакатлари иқтисодиётининг замонавий ривожланиш тенденцияларининг таҳлили ҳам шундан далолат беради.

Инновацион иқтисодиёт бир қатор ўзига хос белгиларга эга бўлиб, уларнинг энг асосийлари 1-жадвалда акс эттирилган.

**1-жадвал**

**Инновацион иқтисодиётнинг ўзига хос белгилари**

<i>Белгилари</i>	<i>Моҳияти</i>
Тармоқлар ва ишлаб чиқариш жараёнлари	Янги билим ва инновацияларга асосланган тармоқлар ва ишлаб чиқариш жараёнлари миллий бойлик ёки ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишнинг асосига айланади
Технологиялар трансфери	Технологияларнинг тижорий ва нотижорий трансфери жараёнлари кенг тарқалган бўлади. Инновациялар тўғрисидаги маълумот автоматлаштирилган тарзда ва телекоммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда олинади, янгиликлар/ихтиролар диффузияси жараёни юқори фаоллик билан фарқланади. Ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар замонавий ахборот технологиялари ва компьютёрлаштирилган тизимлардан фойдалана олади
Инфратузилма	Тезлашиб бораётган илмий-техник ривожланиш, шунингдек, инновацион ривожланиш учун зарур бўлган миллий ахборот ресурсларини қўллаб-қувватлашни таъминловчи ривожланган инфратузилма
Инновацион потенциал ёки ресурслар	Жамият ва инновацион салоҳиятнинг алоҳида субъектлари зарурий инновацион потенциал [10, с. 65] ёки янгиликларни (тўпланган инсон, ишлаб чиқариш, молиявий, ахборот ва ривожланиш потенциалининг бошқа турлари) амалга ошириш учун ресурсларга эга
Инновацион сезувчанлик	Жамият ва инновацион салоҳиятнинг алоҳида субъектлари инновацион сезувчанликнинг зарурий даражасига эга [11, с. 52-56] яъни ўз фаолиятида инновацияларни амалга оширишда ижтимоий-руҳий тайёргарликка эга, анъанавий технологиялар, материаллар, маҳсулотлар ва б.лар воз кечишга тайёр
Инсон капитали	Инновацион ривожланиш учун зарур бўлган ҳажмда илмий-техник билимларни ярата олиш имконини берадиган ва мамлакат иқтисодиётини юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондира оладиган даражада мамлакатда тўпланган инсон капитали [12, с. 172]. Миллий ишлаб чиқаришни тикловчи ва ривожлантирувчи инновациялар ва инновацион фаолият соҳасида профессиоонал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг йўлга қўйилган эгилувчан тизими

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда баъзи бир муаммолар мавжуд. Хусусан, мамлакатда лойиҳа бошқарувининг мақсадли жорий этилиши амалга оширилмаяпти ва лойиҳа бошқаруви соҳасида миллий стандарт мавжуд эмас. Шунингдек, лойиҳалар таҳлили учун маълумотларнинг йўқлиги лойиҳа бошқаруви ривожига ва уни тартибга солиш ҳолатини баҳолашни мураккаблаштиради. Хусусан, Президентимиз таъкидлаганидек: «Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муammo бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолақлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустлиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда...Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда» [1]. Бу эса ўз навбатида инновацион иқтисодиётга ўтишда турли тўсиқларни вужудга келтиради.

#### **Тадқиқот методологияси**

Лойиҳа бошқаруви тизимларини жорий этишда тизимли ёндашув, тарихий статистик усуллардан, қиёсий таҳлил ва сўровнома усуллари билан фойдаланилади. Ушбу усуллар лойиҳа бошқаруви тизимларининг таъсир қилувчи омилларини аниқлаш ва уларнинг инновацион иқтисодиёт билан ўзвий алоқаси ва унга таъсир даражасини баҳолаш имконини беради.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Жорий ҳолатни ўрганиш мақсадида 2017 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Республикаимизнинг 4 та вилоятида (Фарғона, Навоий, Андижон ва Хоразм) Вилоят ҳокимликлари амалий кўмагида давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни бошқараётган 227 та шахсдан лойиҳа бошқаруви усулларини жорий этишга оид сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижаларини шуни кўрсатдики, респондентларнинг аксарияти (54%) лойиҳа катта миқдордаги ташқи субпудрат ташкилотларни аниқ мувофиқлаштиришни талаб қилади деб ҳисоблайди. Жавоб берганларнинг 35 % эса юқори бўғин раҳбарларининг доимий аралашуви лойиҳа фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди.

«Лойиҳа бошқарувига оид услубидан қай даражада фойдаланасиз» деган саволга фақат 12 % иштирокчилар лойиҳа бошқарувига оид услубий воситалар ва стандартлардан хабардорлар, уларнинг 17% эса ушбу услубий воситалардан ўз фаолиятларида фойдаланишини айтган. Шунга қарамай, сўровномада иштирок этганларнинг 30 %и лойиҳа бошқарувига тааллуқли усул ва стандартларнинг жорий этилиши ташкилот ходимларининг касбий маҳоратини ошишига ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилган.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Сўровномага берилган бошқа жавоблардан шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат хизматида лойиҳа бошқарувини амалга ошириш қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Мақсадлар лойиҳа бошида қандай белгиланган бўлса, охиригача шундайлигича қолиб кетади. Ҳолбуки, лойиҳа давомида уларни коррективроқ қилиш зарурати ҳам юзага келади. Шу нуқтаи назардан, оралиқ натижаларга эришгандан сўнг, мазкур натижаларни дастлаб белгиланган мақсадлар билан



солиштириб, зарур ҳолатда уларни ўзгартириш, яъни ташкилот мақсадлари ва стратегиясига мос равишда ўзгартириш зарур;

2. Лойиҳа муддати ва давомийлиги микро ва макро муҳит омилларига боғлиқ.

3. Лойиҳа харажатлари, кўп ҳолатларда, оптималлаштирилмаган ва лойиҳанинг амалга ошириш муддати ва унинг долзарблигига эмас, балки бюджет маблағларига боғлиқ.

4. Ресурслар эҳтиёжларга қараб имкониятлар доирасида ажратилади (оралиқ натижаларга эришилгандан сўнг кейинги натижаларга етишиш учун керак бўлган ресурслар ажратилади);

5. Муҳим меъёрий ўзгаришлар дастлабки ўзгаришларсиз амалга оширилади (лойиҳавий фаолият ўзгарувчан ташқи муҳитга эгиловчан тарзда мослаша олмайдиган чизиқли-функционал ташкилий тузилмага мослаштирилади);

6. Ташкилот маданияти хавф-хатар ва инновацияларни эътиборга олмайди (инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, хавф-хатарларни камайтириш механизмларининг мавжуд эмас);

7. Фақат тепадан келадиган топшириқ ва ғояларни қўллаб-қувватловчи давлат хизматчиларининг фаол эмаслиги (пассивлик, сусткашлик, ходимларнинг ташаббускорлиги ва ижодий фаолиятининг мавжуд эмаслиги).

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ташкилот ва корхоналарга лойиҳа бошқаруви тизимларини жорий этиш қуйидаги афзалликларга эга (2-жадвал):

**2-жадвал**

**Лойиҳа тизимларини жорий этишнинг афзалликлари**

№	<i>Афзалликлари</i>	<i>Тавсифи</i>
1.	Ташкилот стратегиясига мос келмайдиган лойиҳалар сонини камайтириш	Зарур бўлмаган ёки стратегияга мос келмайдиган лойиҳалардан воз кечиб, барча портфеллар бўйича харажатларни камайтиришингиз мумкин
2.	Ресурс самарадорлигини ошириш	Лойиҳалар орасидаги ресурсларни тақсимлашни такомиллаштириш орқали ходимларнинг юқини янада аниқ назорат қилиш
3.	Бюджетдан тушган маблағларнинг қайтадан тақсимланишини камайтириш	Режалаштиришни такомиллаштириш ва сарф-харажатларни назорат қилиш орқали эришиш мумкин
4.	Муваффақиятсиз лойиҳаларнинг фоизини камайтириш	Лойиҳани мониторинг қилишнинг самарали усуллари ҳисобига, ахборот тизими орқали лойиҳа бошқаруви методологиясини амалга ошириш натижасида ташкилот лойиҳа мақсадларига эриша олмайдиган, муддат ва бюджет жиҳатдан талабга жавоб бера олмайдиган лойиҳалар сонини сезиларли даражада камайтириши мумкин
5.	Лойиҳа устида ишлаётган бўлинмалар ва лойиҳа менежерларига сарф қилинган вақтни қисқартириш.	Маълумот йиғиш ва лойиҳа ҳолати ҳақида ҳисоботларни техника ёрдамисиз амалга ошириш учун кетган вақтни қисқартириб, кўпроқ устувор вазифалар учун вақт ресурсларини бўшатади

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, молиявий ва ташкилий омилларни таъминлаган ҳолда бир жараённи ажратиб кўрсатиш ҳар доим ҳам ижобий таъсир олиб келмайди ва кутувларга мос келмайди. Лойиҳа бошқарувининг интеграллашган тизими бутунча ва қисман лойиҳа бошқаруви лойиҳалар самарадорлигини ошириш мақсадида, шу жумладан, инсон ресурсларининг сифатини ошириш ҳисобига амалга оширилади. Ўз навбатида, масалаларни ҳал этишга лойиҳавий ёндашув корхона ёки ташкилот стратегик менежментига интеграциялашади. Бу эса лойиҳаларни бошқариш методологиясини мақсадли ва динамик тизимда қўллаган ҳолда ташкилот

стратегиясини амалга оширишни таъминловчи лойиҳалар бошқаруви тизимини интеграция қилиш ва ривожлантириш заруратини оширади.

## References

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.12.2018. - <https://prezident.uz/uz/lists/view/2228>
2. Lipaev V.V. Sistemnoe proektirovanie slojnyx programmnyx sredstv dlya informatsionnyx sistem / V.V. Lipaev. – M.: SINTEG, 1999. – 224 s.
3. Matveev L.A. Informatsionnye sistemiy: podderjka prinyatiya resheniy / L.A. Matveev. – SPb.: Izd-vo S.-Peterb. un-ta ekonomiki i finansov, 1996. – 241 s.
4. Batkovskiy M.A. Strategiya razvitiya viysokotexnologichnyx predpriyatij: monografiya / M.A. Vatykovskiy, E.I. Belov, M.A. Bendikov i dr. M.: Pechatnyy dvor na Alekseevskoy, 2004. 454 s.
5. Bendikov M.A., Xrustalyov O.E. Mexanizm innovatsionnogo razvitiya naukoemkix vysokotexnologichnyx proizvodstv i riynkov // Ekonomicheskij analiz: teoriya i praktika. 2012. № 28. – S. 2-13.
6. Xrustalyov E.YU. Mexanizmiy reformirovaniya i innovatsionno-texnologicheskogo razvitiya naukoemkogo proizvodstvennogo kompleksa // Ekonomicheskij analiz: teoriya i praktika. 2014. № 9. – S.2-10.
7. Mensch G. Stalemate in Technology: Innovation Overcome the Depression. Cambridge (Mass.), 1979. – 247 p.
8. Kleinknecht Al. Innovation Patterns in Crisis and Prosperity: Schumpeter's Long Cycle Reconsidered. Hong Kong 1987. – 143 p.
9. Xrustalyov E.YU. Finansovo-ekonomicheskaya znachimost i riskovost naukoemkix innovatsionnyx projektov // Finansovaya analitika: problemiy i resheniya. 2013. № 8. – S. 2-11.
10. Evtushenko E.V. Otsenka innovatsionnogo potentsiala predpriyatiya / Evtushenko E.V., YUsupova E.R. // Ekonomika i upravlenie: nauchno-prakticheskij jurnal. - 2014. - №5(121). – S. 63-68.
11. Sayfullina S.F. Ponyatie innovatsionnoy vospriimchivosti predpriyatiya / v kN.: Problemiy razvitiya sovremennoy ekonomiki. Sb. stat. IV Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii. Stavropol, 2014. – S. 52-56.
12. Sayfullina S.F. Problemiy innovatsionnogo razvitiya rossiyskix predpriyatij / S.F. Sayfullina // Uspexi sovremennogo estestvoznaniya. - 2010. - №3. - S. 171-173.